

Росуллоҳни кўриш ҳақида келган ҳадислар баёни.

﴿باب ما جاء في رؤية رسول الله﴾

صلى الله عليه وسلم

[الأوزبكي – Uzbek – Узбекча]

Абу Ийсо Муҳаммад ибн Ийсо Термизий

Таржимон: Абдуллоҳ Шариф

Нашрга тайёрловчи: Шамсиддин Дарғомий

2009 - 1430

islamhouse.com

﴿باب ما جاء في رؤية رسول الله﴾

صلى الله عليه وسلم

« باللغة الأوزبكية »

أبو عيسى محمد بن عيسى الترمذي

ترجمة: عبد الله شريف

تحرير: شمس الدين درغامي

2009 - 1430

islamhouse.com

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الحمد لله رب العالمين، والصلاة والسلام على سيدنا محمد، وعلى آله وصحبه أجمعين
أما بعد:

Ассалому алайкум вараҳматуллоҳи вабаракотуҳ! Ҳурматли ва азиз мўъмин биродарлар бу "шамоили муҳаммадия" китобидан ўттиз бешинчи ва сўнги дарсимиз бўлиб, бу дарсимизда Пайғамбар алайҳиссаломни тушда кўриш, ҳақида келган бобнинг ҳадислари билан танишамиз иншааллоҳ!

65 باب ما جاء في رؤية رسول الله في المنام
وفيه (10) أحاديث

Росуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни тушда кўриш ҳақидаги боб, бу бобда ўнта ҳадис ривоят қилинади.

Пайғамбар алайҳиссаломни тушда кўриш бобини китобнинг охирида зикр қилинишидан бўлган ҳикмат ҳақида, Мулла Али қори айтадиларки: "Киши у зотнинг қадди-қоматлари, юз тузулишлари ва хулқ атворлари билан яхшилаб танишиб чиқса, тушида кўрганда ҳам у зотни таниш осон бўлади".

406- حدثنا محمد بن بشار ثنا عبد الرحمن بن مهدي ثنا سفيان عن أبي إسحاق عن أبي الأحوص
عن عبد الله بن مسعود عن النبي قال من رأى في المنام فقد رأى فإن الشيطان لا يتمثل بي

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, у киши Пайғамбар алайҳиссаломдан ривоят қилишларича Пайғамбар алайҳиссалом айтадиларки: "Кимки мени тушида кўрса, албатта у мени кўрибди. Чунки шайтон мени тусимга кира олмайди".

Изоҳ: Уламолардан Исо исмлик аллома айтадиларки: "Шунингдек шайтон бошқа пайғамбарлар ва малоикаларнинг ҳам тусларига кира олмайди".

Лекин шайтон инсоннинг тушига бошқа суратда кириб, мен Пайғамбарман -дейиши ҳам мумкин. Буни аниқлаш учун уламоларимиз Пайғамбар алайҳиссаломнинг қадди-қоматлари, юз тузулишларини яхши билмоқ лозим бўлади. -дейдилар.

407 - حدثنا محمد بن بشار ومحمد بن المثني قالوا ثنا محمد بن جعفر ثنا شعبة عن أبي حصين عن أبي صالح عن أبي هريرة رضي الله عنه قال قال رسول الله من رآني في المنام فقد رآني فإن الشيطان لا يتصور أو قال لا يتشبه بي

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади, айтадиларки: "Росулуллох саллаллоху алайҳи васаллам айтдиларки: "Кимики мени тушида кўрса, ҳақиқатда у, мени кўрибди. Чунки шайтон, менинг тусимга кира олмайди, *-ровий шак қилиб-* ёки менга ўзини ўхшата олмайди" ".

408 - حدثنا قتيبة ثنا خلف بن خليفة عن أبي مالك الأشجعي عن أبيه قال قال رسول الله من رآني في المنام فقد رآني

Абу молик ал-Ашжаийдан ривоят қилинади, у зот оталаридан ривоят қиладилар. Оталари айтадиларки: "Росулуллох саллаллоху алайҳи васаллам айтдиларки: "Ким мени тушида кўрса, албатта у ўзимни кўрибди "".

قال أبو عيسى : وأبو مالك هذا هو سعد بن طارق بن أشيم وطارق بن أشيم هو من أصحاب النبي وقد روى عن النبي أحاديث قال أبو عيسى سمعت علي بن حجر يقول قال خلف بن خليفة رأيت عمرو بن حريث صاحب النبي وأنا غلام صغير

Абу ийсо Термизий айтадиларки: "Бу Абу Молик, Саъд ибн Ториқ ибн Ашямдир ва Ториқ ибн Ашям эса, Пайғамбар алайҳиссаломнинг асҳобларидан бўлади. У Пайғамбар алайҳиссаломдан бир нечта ҳадис ривоят қилган".

Яна Абу ийсо айтадилар: "Али ибн Ҳужрдан эшитдим, у айтадики: Халаф ибн Халифа, мен ёшлик чоғимда, Пайғамбар алайҳиссаломнинг соҳиблари Амр ибн Ҳурайсни кўрганман!-деб айтган эди".

409 - حدثنا قتيبة هو ابن سعيد ثنا عبد الواحد بن زياد عن عصام بن كليب قال حدثني أبي أنه سمع أبا هريرة يقول قال رسول الله من رآني في المنام فقد رآني فإن الشيطان لا يتمثلني قال فحدثت به ابن عباس فقلت قد رأيتك فذكرت الحسن بن علي فقلت شبهه ته به فقال ابن عباس إنه كان يشبهه

Осим ибн Кулайб оталаридан ривоят қиладилар, оталари, Абу Ҳурайра розияллоху анхудан эшитган эканлар, Абу Ҳурайра розияллоху анху айтадиларки: "Росулуллох саллаллоху алайҳи васаллам айтдилар: Кимики мени тушида кўрса, у

албатта мени ўзимни кўрибди. Чунки шайтон, менинг шаклимда гавдалана олмайди". Осим айтадилар: Отам айтадиларки: "Мен бу ҳадисни Ибн Аббосга айтиб бериб, кейин мен Пайғамбар алайҳиссаломни тушимда кўрдим! -дедим. Шу вақт Ҳасан ибн Али эсимга тушиб кетдилар. Дарҳол, Пайғамбар алайҳиссалом худди Ҳасан розияллоҳу анҳуга ўхшар эканлар! -дедим. Шунда ибн Аббос айтдиларки: "Чиндан ҳам Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам, Ҳасанга ўхшар эдилар "

410 - حدثنا محمد بن بشار حدثنا ابن أبي عدي ومحمد بن جعفر قالوا حدثنا عوف بن أبي جميلة عن يزيد الفارسي وكان يكتب المصاحف قال رأيت النبي في المنام زمن ابن عباس فقلت لابن عباس إني رأيت رسول الله في النوم فقال ابن عباس إن رسول الله كان يقول إن الشيطان لا يستطيع أن يتشبه بي فمن رأني في النوم فقد رأني هل تستطيع أن تنعت هذا الرجل الذي رأيت في النوم قال نعم أنعت لك رجلا بين الرجلين جسمه ولحمه أسمر إلى البياض أكحل العينين حسن الضحك جميل دوائر الوجه قد ملأت لحيته ما بين هذه إلى هذه قد ملأت نحره قال عوف ولا أدري ما كان مع هذا النعت فقال ابن عباس لو رأيت في اليقظة ما استطعت أن تنعته فوق هذا قال أبو عيسى ويزيد الفارسي هو يزيد بن هرمز وهو أقدم من يزيد الرقاشي وروي يزيد الفارسي عن ابن عباس رضي الله عنهما أحاديث ويزيد الرقاشي لم يدرك ابن عباس وهو يزيد بن أبان الرقاشي وهو يروي عن أنس بن مالك ويزيد الفارسي ويزيد الرقاشي كلاهما من أهل البصرة وعوف بن أبي جميلة هو عوف الأعرابي

Язид ал-Форисийдан ривоят қилинади, у зот мусҳаф ёзадиганлардан эканлар. Айтадиларки: "Ибн Аббоснинг даврларида, тушимда Пайғамбар алайҳиссаломни кўрган эдим. Кейин Ибн Аббосга Пайғамбар алайҳиссаломни тушимда кўрганимни! -айтиб бердим. Ибн Аббос айтдиларки: "Пайғамбар алайҳиссалом, шайтон менга ўзини ўхшатишга қодир эмас! Кимики мени тушида кўрса, албатта у, мени ўзимни кўрибди! -дер эдилар". Кейин эса менга, сен тушингда кўрган кишини таърифлай оласанми? –дедилар. Ровий айтадики: У киши Ҳа! мен сизга таърифласам, у зот одамларнинг ўрта қомати, жисм-таналари оққа моил буғдой ранг, кўзлари серкиприк, кулсалар юзлари янада гўзаллашиб кетадиган, соқоллари бу ердан, то манабу ергача етиб келган эди. –дедилар.

Изоҳ: Баъзи уламолар, Бу тушида Пайғамбар алайҳиссаломни кўрган киши мусҳаф –яъни қуръон ёзадиган яхши одам бўлганлиги учун, мана шундай яхши туш кўрган бўлса керак! Чунки солиҳ тушлар Оллоҳдан бўлади. Пайғамбар алайҳиссаломни тушида кўриш ҳам Оллоҳнинг марҳаматидандир! –дейишади.

Соқолларининг таърифиди эса, яъни бу ердан манабу ергача -деган сўзини икки қулоқ томонни,ёки қулоқ билан жағ оралигини назарда тутган, хуллас серсоқол эканлар! демоқчи -дейдилар.

Яна ҳадиснинг давомига қулоқ соламиз, Авф –ровийларнинг бири- Бу сифатлардан бошқа, яна қандай сифатлар –яъни, бундан ортиқ яхши сифатлар - бўлиши мумкинми?-дейдилар.

Ибн Аббос –бу одамнинг сўзини эшитиб бўлгач- айтдиларки: "Агар Пайғамбар алайҳиссаломни ўнгингда ҳам кўрганигда эди, бундан ортиқ таърифлай олмас эдинг".

Абу Йисо Термизий айтадиларки: "Язид ал-Форисий Язид ибн ҳурмуздир ва у Язид ал-Раққошийдан аввалроқ яшаб ўтган. Кейин бу Язид ал-Форисий Ибн Аббосдан бир қанча ҳадис ривоят қилган. Аммо Язид ал-Раққоший эса Ибн Аббосни замонларида бўлмаган, отасининг исми Абондир. Бу Язид Анас ибн Моликдан ҳадис ривоят қилган. Бу икки Язид ал-Форисий ва ал-Раққошийлар басралик бўладилар. Ҳадисдаги Авф ибн Аби Жамила эса, Авф ал-Аъробийдир".

411 - حدثنا أبو داود سليمان بن سلم البخلي ثنا النضر بن شميل قال قال عوف الأعرابي أنا أكبر

من قتادة

Назр ибн Шумайлдан ривоят қилинади, айтадиларки: "Авф ал-Аъробий мен Қатодан каттаман деган эди".

412 - حدثنا عبد الله بن أبي زياد حدثنا يعقوب بن إبراهيم بن سعد حدثنا ابن أخي ابن شهاب

الزهري عن عمه قال قال أبو سلمة قال أ بو قتادة قال رسول الله من رأني يعني في النوم فقد رأى

الحق

Абу Қатодан ривоят қилинади, айтадиларки: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки: "Кимики тушида мени кўрса, албатта у ҳақиқатни кўрибди".

413 - حدثنا عبد الله بن عبد الرحمن الدارمي أنا معلي بن أسد حدثنا عبد العزيز بن المختار ثنا

ثابت عن أنس أن رسول الله قال من رأني في المنام فقد رأني فإن الشيطان لا يتخيل بي وقال ورؤيا

المؤمن جزء من ستة وأربعين جزءا من النبوة

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, айтадиларки: "Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки: "Ким мени тушида кўрса, ҳақиқатда мени ўзимни кўрибди. Чунки шайтон мени суратимга кира олмайди. Мўминнинг туши пайғамбарликнинг қирқ олти жузидан бир жуздир".

Изоҳ: Уламолар бу сўзнинг маъносида, ҳар хил тафсирлар қилишадилар. Ўша тафсирлардан Мулла Али қори баъзиларини келтирадилар: Биринчи тафсир: Ҳадисдаги мўминдан мақсад, Пағамбар алайҳиссаломнинг ўзларидир. У зотга рисолат келишидан

аввал,роппа-роса олти ой, солиҳ тушлар кўрган эдилар. Энди анашу олти ойни, у зот пайғамбарлик қилиб ўтган, йигирма уч йилга тақсим, яъни бўладиган бўлсак, қирқ олтидан бир жузга тенг бўлади. Лекин бу тафсирни, Ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ заиф. Чунки солиҳ туш кўрганликларини, олти ойга чегаралаб қўйиши жуда мушкулдир. – дейдилар. Иккинчи тафсир: Мўъминдан мақсад, солиҳ мўъминлардир. Улар кўрган тушлар ҳам солиҳ бўлади. Чунки улар нопок ишлардан ўзларини йироқ тутганликлари учун, анашундай марҳаматларга эга бўладилар. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан иккинчи тафсирни қувватлайдиган марфуъ ҳадис ҳам келган. Пайғамбарликдан фақат мубаширотларгина қолди. дедилар. Шунда у зотдан мубаширотлар нима? деб сўрашди. Абу Ҳурайра, мўъмин кўрадиган солиҳ тушлар!- дедилар". Валлоҳу аълам.

414 - حدثنا محمد بن علي قال سمعت أبي يقول قال عبد الله بن المبارك إذا ابتليت بالقضاء

فعليك بالأثر

Абдуллоҳ ибн Муборақдан ривоят қилинади, айтадиларки: "Агар бошинга қозичилик вазифаси тушса, асарга –яъни ҳадис ёки саҳобалар ижтиҳодларига- боқ!"

415 - حدثنا محمد بن علي حدثنا النضر بن شميل أخبرنا ابن عون عن ابن سيرين قال هذا

الحديث دين فانظروا عنم تأخذون دينكم

Ибн Сийриндан ривоят қилинади айтадиларки: "Бу ҳадис диндир. Динларигизни кимдан олаётганларингизга қаттиқроқ диққат қилинглар".

Изоҳ: Мулла Али қори айтадиларки: "Қозичилик Пайғабарликдан қолган мерос бўлганлиги учун ҳам, бу масалада, асар яъни у зотнинг суннатларига эргашишига буюрилмоқда. Сўнг бу асар ва ундан кейинги асар ҳам бобга тааллуқли ери кўринмасида, бобнинг охирида келтирилишидан бўлган мақсад, Худди уламолар китобларини бошида ниятни ўнглаш, ихлос билан бошлаш керак!- деб тавсия қилганларидек. Ҳадис илми ва ривоят масалаларга эътиборни қаратиш ва ишончли кишилардан ҳадис ривоят қилишига аҳамият беришига ундашдир".

Биз ҳам китобнинг ниҳоясида, Оллоҳ таолодан амалларимизнинг аввали-ю охири, фақат Оллоҳнинг ризолиги учун бўлишини, ва бу китобнинг манфаатини биз ва бошқа мўъмин биродарларимизга етказишини умид қиламиз. Ҳамда таржима борасида қилган камчилик ва нуқсонларимизни афв этишини сўраймиз! Зеро Оллоҳ кечиримли ва раҳмли зотдир.

وصلى الله على نبينا محمد وعلى آله وصحبه أجمعين وسلم